КУН МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистонда келаси йилдан пахтани қўлда теришдан тўлиқ воз кечиш режаси эълон қилинди

Noyabr 09, 2026



Ўзбекистон ҳукумати 2027 йилдан пахта теримини тўлиқ механизациялашни режалаштирмоқда. Бу мавсумда ҳосилнинг 75–80 фоизи машиналар ёрдамида терилган. Келгусида йирик техника кира олмайдиган қарийб 53 минг гектар майдонда пахта ўрнига бошқа экинлар етиштириш кўзда тутилган.

Gazeta.uz хабарига кўра, қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов матбуот анжуманида бу режалар ҳақида маълум қилган. Унинг айтишича, 2026 йилда мамлакатда беш миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси етиштирилган.

Теримда қарийб уч мингта пахта териш машинаси қатнашган, уларнинг ярми шу йил харид қилинган.

"Асосий стратегик вазифамиз — пахтани қўлда теришдан тўлиқ воз кечиш. Бу иш экишдан бошланади: пахтани машинада териш мумкин бўладиган тарзда етиштириш керак", — деди вазир. Терим қачон тўлиқ механизациялаштирилиши ҳақидаги саволга у: "Келаси йили 100 фоизга ўтамиз", — деб жавоб берди.

Абдураҳмоновнинг айтишича, жорий мавсумда қўл теримининг улуши қарийб 20–23 фоизни ташкил этган. Пахта асосан кичик майдонлар ва боғлар орасидаги йирик техника кира олмайдиган далаларда қўлда терилган. Вазирнинг таъкидлашича, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида терим аллақачон тўлиқ механизациялаштирилган.

Шундай майдонларнинг қарийб 53 минг гектарида пахта етиштиришни босқичма-босқич тўхтатиш режалаштирилмоқда. Бу ерларда сабзавот ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштирилади. "Техника кира олмайдиган бир-бир ярим гектарлик майдонларда пахта етиштириш мақсадга мувофиқ эмас", — дея изоҳлади Абдураҳмонов.

Вазирнинг фикрича, машина теримига ўтиш билан бирга янги иш ўринлари ҳам яратилиши керак. У теримчилар сонининг қисқариши одамларни даромад манбаидан маҳрум қилмаслиги лозимлигини айтди. Унингча, пахта толасини қайта ишлашни кенгайтириш ва тўқимачилик корхоналари фаолияти қўшимча бандликни таъминлаши мумкин.

Пахта теримини тўлиқ механизациялаштириш режаси техника хариди, кредитлар ва харажатларни ким қоплаши масаласини ҳам ўртага қўяди. Ҳукумат 2026 йил февралида қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш учун халқаро молия институтларидан 400 миллион доллар жалб қилиш режасини эълон қилган. Лизинг фоизининг бир қисмини бюджетдан қоплаш ҳам кўзда тутилган.

Бу жараён Хитой компанияларининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги иштироки кенгаяётган бир пайтга тўғри келмоқда. Озодлик аввал Андижонда айрим фермерлар ерларини хитойлик инвесторлар лойиҳалари учун топширишга мажбурланаётганидан шикоят қилганини ёритган. Маҳаллий расмийлар эса ерлар дирекция орқали ижарага берилаётганини билдирган. Хитойдан техника хариди ҳам давом этмоқда: Фарғона вилояти ҳокимлигига кўра, бу йил «Swan» компаниясидан 135 та пахта териш машинаси олинган.

Пахта теримини тўлиқ механизациялаштириш Ўзбекистон ҳукумати кўп йиллардан бери белгилаб келаётган вазифалардан биридир. 2026 йил февралида

президент Шавкат Мирзиёев ҳузуридаги йиғилишда машина терилишининг улуши 52 фоизга етгани маълум қилинган эди. Аввалги йилларда мамлакатга 1756 та пахта териш машинаси харид қилинган, 2025 йилда улар ёрдамида 2,1 миллион тонна пахта терилган. Ўшанда машина терими улушини камида 70 фоизга етказиш вазифаси қўйилиб, 2026 йилда яна 800 та машина харид қилиш режаси эълон қилинган.

Аввал ҳам механизациялаштириш муддатлари сурилган. 2013 йилда ўша пайтда бош вазир бўлган Шавкат Мирзиёев 2016 йилгача машина терими улушини 80–90 фоизга етказиш ниятини билдирган. 2020 йилда эса ҳукумат ҳудудларда 2020–2026 йиллар давомида машина теримига босқичма-босқич ўтиш режасини тасдиқлаган.

Жаҳон банки 2016 йилги тадқиқотида механизация пахта теримига ишчиларни, жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан сафарбар қилинганларни оммавий жалб этиш эҳтиёжини камайтириши мумкинлигини қайд этган. Айни пайтда ташкилот мавсумий теримдан нақд пул ишлаб топадиган қишлоқ аҳолиси учун бу ўзгаришнинг эҳтимолий оқибатлари ҳақида огоҳлантирган. Тадқиқот муаллифлари ҳисоб-китобига кўра, 2014 йилги пахта теримида 2,2 миллиондан 3 миллионгача киши қатнашган.

Ўзбекистон пахтачилик соҳаси мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланилгани учун кўп йиллар давомида халқаро танқидга учраган. 2022 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Cotton Campaign халқаро коалициясининг ўзбек пахтасига бойкотни бекор қилиш қарорини олқишлаган. 2021 йилги пахта терими мониторинги якунларига кўра, ташкилот теримда тизимли мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилганини маълум қилган.

Озодлик радиоси © 2026 RFE/RL, Inc. | Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.